


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

11-iyun
2026-yil
23 (1 177)

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Майдондаги ҳар бир ҳаракатингизни 40 миллионга яқин халқимиз экран ортида катта ҳаяжон билан ҳайқириб кузатади, юракларни жунбишга келтирадиган ҳиссиёт олади. Ёдингизда бўлсин: эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади!




21 asr angliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi



Глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш масалалари бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим вазифалардир. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш давлатлар тараққиётининг асосий мезонларидан бирига айланмоқда.

Шу маънода, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Глобал экологик жамғарманинг саккизинчи ассамблеяси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим сиёсий ва иқтисодий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатнинг экологик сиёсатдаги янги босқичга қадам қўяётганини намойён этди.

3



ҚИЗИЛҚУМДА ЯНГИ ОРОЛ ПАЙДО БЎЛДИ...МИ?!



МУРОЖААТ ВА ЕЧИМ ЯҚИН ЎРТАСИ ЖУДА



2

Ўтган кунлар сабоқлари



Ватанимизнинг мустақиллик тўйи нишонланишига ҳам санокли кунлар қолди. Албатта, тарих учун 35 йил жуда катта муддат эмас. Лекин қарийб бир юз ўттиз йиллик мустабид тузумда яшаган жафокаш халқимизнинг асрий орзулари ушалган бу даврнинг ҳар бир йили мазмун-моҳияти билан асрларга тенг бўлди, десак янглишмаймиз.

3

ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг

умр йўлдоши Марям ая билан суҳбат



6

Халқаро ҳамкорлик

Кеча О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, парламентдаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигидаги гуруҳ 10-12 июнь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида ўтказилаётган нуфузли сиёсий форумда қатнашиш учун жўнаб кетди.

Анжуманда давлатлар ва партиялараро дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, конструктив мулоқотни ривожлантириш ва тажриба алмашиш, ҳамкор мамлакатлар сиёсий кучлари ўртасидаги интеграция ҳамда бирдамликни чуқурлаштириш, замонавий хавф ва таҳдидларга қарши туришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масаласида ҳар томонлама фикр алмашиш назарда тутилган. Форумнинг батафсил тафсилотлари газетаимизнинг навбатдаги сонидан эълон қилинади.



ДАСТУР ВА ИЖРО

“ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” - ОДДИЙ ИЖТИМОЙ ЛОЙИХА ЭМАС

Қашқадарё вилояти, туман-шаҳар кенгашлари фаоллари ва депутатлар партиямизнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида 500 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш ва мутасаддилар билан ҳамкорликда ҳал этиш, инфратузилмани яхшилаш, кенг қўламдаги ободончилик ишларини ташкил этган ҳолда маҳалла ва қишлоқлар қиёфасини янада гўзаллаштириш, одамлар учун қулай турмуш шароитини яратиш борасидаги хайрли ишларга қўл урдилар.

Жамоат эшитувлари ташкил этилиб, депутатлик сўровлари юбориш орқали муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Шунингдек, жамоатчилик ва кенгаш назоратини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, аҳоли муурожаатларини тизимли ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

“Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасида 750 дан ортиқ МФИда тадбир ўтказилиб, беш минг тадбиркор хотин-қизлар қамраб олинди. 750 иштирокчи шаҳар-туман босқичида қатнашиш учун сараланди. Тадбиркор жараёнида 50 дан ортиқ тадбиркор аёлнинг жой масаласи, имтиёзли кредит учун кафили муаммоси, молиявий кўмак олиш муддатини узайтириш, имтиёзли патент бериш, кредит ҳужжатларини йиғиш жараёнини соддалаштириш борасидаги муурожаатлар

ри тингланиб, мақбул ечимлар топилди. “Бунёдкор оила” лойиҳаси асосида 8 нафар хотин-қизга 45 млн сўмдан ортиқ кредит олишда кўмаклашилди. “Саломатлик сари” лойиҳаси доирасида 1235 нафар фуқаро чуқурлаштирилган бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Айниқса, кекса ёшдагилар, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига алоҳида эътибор қаратилди. Кўриқлар натижасида 250 кишига стационар даволаниш учун йўланма, 610 нафар беморга амбулатор тадбирлар берилди. Бундай амалий тадбирлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом жамият барпо этишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

О‘зЛиДеРнинг ўз номига муносиб ушбу умуммиллий дастури доирасида ташкил этилган сайёр қабуллар аҳоли билан очик мулоқотни кучайтириш, муаммоларни жойида ўрганиб, тезкор



ШУХРАТ АСЛАНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, О‘зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

ечим топишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Ғузор ва Деҳқонobod туманларида ташкил этилган сайёр қабулларда 400 га яқин фуқаро иштирок этди. Аҳолидан хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда келиб тушган муурожаатларнинг 76 таси ижобий ҳал этилди.

Олий ўқув юртиларида ташкил этилган 30 дан ортиқ тадбирларда ёшларни сиёсий жараёнларга жалб этиш, уларнинг ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, жамият ҳаётида фаоллигини ошириш борасида белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз борди. 91 та маҳаллада ташкил этилган “Маҳалланинг креатив тадбиркори” лойиҳаси билан 71 мингга яқин ёшлар қамраб олинди. Депутатлар ва фаоллар “Юракка йўл” акцияси до-

ирасида 440 та маҳаллада бўлиб, 1000 га яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кириб, боқувчисиз кексалар, ногиронлар билан самимий суҳбат олиб бордилар. Моддий ёрдамлар берилиб, дардмандларнинг ҳаётий муаммоларига бефарқ эмасликларини амалда кўрсатдилар. Чин маънода инсон қалбига йўл топган, меҳр ва эътиборга йўғрилган мазкур акция аҳоли дардига бефарқ бўлмаслик, ҳар бир инсон тақдирига масъулият билан ёндашиш партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бир сўз билан айтганда, “Халқ билан бирга” дастури шунчаки ижтимоий лойиҳа эмас, балки халқ дардини эшитиш, муаммоларни жойида ҳал қилиш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган кенг қўламли умуммиллий ҳаракатга айланиб бормоқда.

САЙЁР ҚАБУЛ

МУРОЖААТ ВА ЕЧИМ ЎРТАСИ ЖУДА ЯҚИН

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ ТИНГЛАШ ВА УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. БУГУН “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР, САЙЁР ҚАБУЛЛАР ВА АҲОЛИ БИЛАН Тўғридан-тўғри учрашувлар НАФАҚАТ МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ, БАЛКИ УЛАРГА АМАЛИЙ ЕЧИМ ТОПИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА ЎЗИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА.

ШУ МАЪНОДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ Қўрғонтепа тумани ҳамда ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ҲАЗОРАСП ТУМанида ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САЙЁР ҚАБУЛЛАР АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА Кўтарилаётганини, ОДАМЛАР ДАРДИГА ҚУЛОҚ ТУТИШ ВА УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ МАНЗИЛЛИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТганини ЯНА БИР БОР НАМОЁН ҚИЛДИ.

АНДИЖОН

Қўрғонтепа туманида ташкил этилган сайёр қабул аҳоли билан очик ва самимий мулоқот майдони га айланди. Тумanning 50 дан ортиқ маҳаллаларидан келган фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар, тақлиф ва ташаббуслари билан масъулларга муурожаат қилди.

Тадбирда Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши раиси, сенатор Ўттамжон Ахунов, О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати Хуршидагон Халилова ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, туман ҳокимлигининг мутасадди вакиллари иштирок этди.

Сайёр қабулдан кўзланган асосий мақсад аҳоли муурожаатларини жойида ўрганиш, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан амалий ечим топиш, одамларнинг кундалик ҳаётида учраётган долзарб масалаларни бартараф этишдан иборат бўлди. Қабул давомида фуқароларнинг бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш, коммунал хизматлар сифати, ер ва кадастр муносabatлари, ижтимоий ҳимоя, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид муурожаатлари атрофида кўриб чиқилди.



Эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлар, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижасида 30 дан ортиқ муурожаат бўйича амалий чоралар белгиланди. Қўллаб масалалар жойида ҳал этилди, қатор муурожаатлар юзасидан эса масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Қўрғонтепадаги сайёр қабулнинг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, унга тайёргарлик ишлари пухта ташкил этилди. Депутатлар томонидан “Юракка йўл” акцияси доирасида маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳолининг дарди ва эҳтиёжлари ўрганилди.

Натижада фуқароларни қийнаётган муаммоларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Қабул жараёнида айнан шу ўрганишлар натижасида аниқланган қатор масалаларни ҳал этиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Жумладан, ногиронлиги бўлган фуқаролардан бирининг муурожаати ижобий ҳал қилиниб, унга ногиронлик аравачаси топширилди. Бу каби эзгу ишлар ин-

сон қадрини улуғлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сайёр-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, сайёр қабулларда ёшлар масаласи ҳам алоҳида эътибор марказида бўлди. Қўрғонтепада уч нафар ёшга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ҳар бирига 5 миллион сўмдан, маблағ ажратилди.

Шунингдек, таълим олишга, илм-фан ва инновацион ғояларга қизиқиши юқори бўлган беш нафар фаол ёшга 1 миллион сўмлик ваучерлар топширилди. Бу рағбат уларнинг билим олиши, ўз устида ишлаши ва келгусида мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

ХОРАЗМ

Ҳазорасп туманида ўтказилган сайёр қабул ҳам аҳоли дардини эшитиш ва амалий ечим топишнинг ёрқин намунаси бўлди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қабул давомида қарийб 180 нафар фуқаро қатнашиб, 90 дан ортиқ муурожаат рўйхатга олинди. Ҳар бир муаммо масъуллар томонидан атрофила ўрганилиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот асосида кўриб чиқилди. Уларнинг ярмидан ортиғи шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилгани, 25 та муурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш ва амалий маслаҳатлар берилгани мазкур тадбирнинг самарадорлигини кўрсатади.

Фуқаролар томонидан асосан бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ички йўллارни таъмирлаш, кўчаларни ёритиш, ишга жойлаштириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби ҳаётий аҳамиятга эга масалалар кўтарилди.



Ҳазораспдаги қабулнинг энг муҳим жиҳати, муурожаатларнинг амалий натижа билан яқунланганида намоён бўлди. Жумладан, ижтимоий реестрда рўйхатда турган 10 нафар фуқаро “Diamond” МЧЖ корхонасига ишга жойлаштирилди. Бу нафақат уларнинг бандлигини таъминлаш, балки оилаларининг

иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 нафар фуқарога маиший техника воситалари топширилди. Ойбек маҳалласида яшовчи 1 гуруҳ ногирони Дурпаша Ғофуровага ногиронлик аравачаси етказиб берилди.

Бу каби ишлар ортида инсон тақдири, оила фаровонлиги ва ҳаёт сифати турибди. Шу боис бундай амалий ёрдамлар аҳоли томонидан катта мамнуният билан қабул қилинмоқда.

Сайёр қабулларда фуқароларнинг муурожаатлари шунчаки қайд этилгани йўқ, балки уларнинг ҳаётидаги муаммоларга аниқ ечим топилди.

– Кўп йиллардан бери ишсиз эдим, – дейди Буюк Сиймо маҳалласида яшовчи Ҳилола Матназарова. – Тивуччиликка қизиқман. Сайёр қабулда иш сўраб муурожаат қилганим. О‘зЛиДеР вакиллари раҳмат, “Diamond” МЧЖ корхонасига ишга кирдим. Бу мен учун катта имконият бўлди.

– Ёшлигимдан турли хил пишириқлар тайёрлашга қизиқман, – дейди Оқ майдон маҳалласи фуқароси Наргиза Курязова. – Қабулда ўз фаолиятини бошлаш учун ёрдам сўрадим. Муурожаатим инobatга олиниб, менга печка ажратиб беришди. Энди ушбу имконият орқали оиламга даромад келтиришни мақсад қиламан.

Бу фикрлар сайёр қабулларнинг аҳамияти рақамлар ёки ҳисоботлар эмас, балки инсонлар ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларда намоён бўлаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларнинг дардига қулоқ тутиш ва муаммоларини жойида ҳал этиш давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қўрғонтепа ва Ҳазорасп туманларида ташкил этилган сайёр қабуллар шуни англатадики, одамлар муаммоси кабинетларда эмас, балки уларнинг ўзи билан учрашиб, дардини эшитиб ҳал этилганида натижа бўлади.

Энг муҳими, бу каби тадбирлар аҳолининг давлат идоралари ва халқ вакилларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Муурожаатларнинг манзилли ҳал этилиши, эҳтиёжмандларга амалий ёрдам кўрсатилиши, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чораларнинг кўрилиши ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайёр қабуллар якунида қўшимча ўрганиш талаб этадиган муурожаатлар алоҳида назоратга олинди, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аниқ вазифалар юклатилди ва ижро муддатлари белгилаб берилди.

Инсон манфаати таъминланган, муурожаати эшитилган ва муаммосига ечим топилган жойда тараққиёт ҳам, фаровонлик ҳам бўлади.

“XXI asr” мухбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

АКС-САДО

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи, шунингдек, Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумидаги иштироки ва нутқи нафақат икки давлат ўртасидаги муносabatларни, балки кенг минтақавий ҳамкорликни ҳам янги босқичга олиб чиққан муҳим сиёсий-иқтисодий воқеа сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ўзаро ишонч, дўстлик ва стратегик шериклик руҳига тўла мос равишда ўтди.

Учрашувнинг энг муҳим ва амалий натижаларидан бири Жиззах вилоятининг Фориш туманида қурилиши режалаштирилган атом электр станцияси (АЭС) лойиҳасига икки давлат раҳбари иштирокида расман даст берилгани бўлди. Видеоконференция шаклида ўтказилган мазкур тадбирда Халқаро

Ўзбекистон 2030 йилгача креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 5 фоизга етказишни режалаштирган. Шу мақсадда туризм орқали халқлар ўртасидаги ишонч ва маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган “Самарқанддан Петербурггача” креатив-туристик йўлагини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу ташаббус кино саноати, санъат лойиҳалари, музей кўргазмалари ва маданий алмашинув дастурларини қамраб олади.

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ҲАМКОРЛИК

атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) бош директори Рафаэль Гросси ҳам иштирок этиб, лойиҳанинг халқаро хавфсизлик стандартларига тўла мос келишини алоҳида таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, мазкур лойиҳа мамлакат иқтисодиётини барқарор энергия манбалари билан таъминлаш, саноат тармоқларининг узлуксиз ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратиш ҳамда келгуси авлодлар учун ишончли энергетик база шакллантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи мажлисида асосий спикер сифатида иштирок этди. У ўз нутқида Ўзбекистон учун Россия шунчаки қўшни давлат эмас, балки вақт синовидан ўтган стратегик шерик ва ишончли иттифоқчи эканини таъкидлади. Шу билан бирга, икки мамлакат муносabatлари бугун янги сифат босқичига кўтарилгани, ҳамкорлик кўп даражали ва кўп қиррали тус олганини алоҳида қайд этди.

Президент жаҳон иқтисодиётидаги рақобат эндиликда фақат бозорлар учун эмас, балки технологиялар, рақамли платформалар, алгоритмлар ва логистика тизимлари учун ҳам кечаётганига эътибор қаратди. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон раҳбари глобал иқтисодий интеграция ва минтақавий барқарорликни таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгарлари сурди.

Мазкур ташаббус саноат салоҳияти, табиий ресурслар ва илмий-технологик компетенцияларни бирлаштирувчи замонавий технологик кластерлар тизимини шакллантиришни назарда тулади. Лойиҳани Тошкент шаҳрида мунтазам ўтказиб келинаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро кўргазмаси платформаси негизида амалга ошириш тақлиф этилди.

Бугун рақамли иқтисодиёт дунё тараққиётининг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Кейинги йилларда рақамли маркетинглар орқали амалга оширилган савдо ҳажми 3,5 баробар ўсиб, 1,5 миллиард долларга етгани ҳам буни яққол исботидир. Шу муносabat билан рақамли савдо қондаларини яқинлаштириш, сунъий интеллект маҳсулотларини ривожлантириш ва меҳнат бозори учун ягона рақамли профил яратиш тақлиф қилинди.

Аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистон учун инсон капиталига сармоя киритиш стратегияси аҳамиятга эга. Бугунги кунда Россия олий таълим муассасаларининг хориждаги энг йирик тармоғи айнан Ўзбекистонда фаолият юритмоқда ва улар 15 та филиални ўз ичига олади.

Шу муносabat билан таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлайдиган “Инсон капиталини ривожлантириш кўша онлайн-платформаси”ни яратиш ташаббуси илгарлари сурилди. Унинг асосий вазифаси таълим муассасалари, иш берувчилар ва ёш мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Форумда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодий илоҳотларнинг янги босқичида глобал инвесторлар ва йирик молиявий институтлар учун энг ишончли ҳамда аниқ шериклардан бирига оиланганини аниқ рақамлар билан асослаб берди.

Хусусан, сўнгги йилларда халқаро молия бозорларига 16 миллиард долларлик суверен ва корпоратив облигациялар муваффақиятли жойлаштирилди. Шунингдек, яқинда Лондон фонд биржасида Ўзбекистон Миллий инвестиция фонди акцияларининг илк омивий тақлифи (IPO) ўтказилгани мамлакатимизга бўлган халқаро ишончнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексида бир вақтнинг ўзида 14 поғонага кўтарилгани ҳам юқори баҳоланмоқда. Ана шу муваффақиятларнинг мантиқий давоми сифатида Тошкент шаҳрида инвесторлар учун махсус ҳуқуқий мақом ва кенг қўламли солиқ имтиёзларини тақдим этувчи Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ишлари бошлангани маълум қилинди.

Президентимиз форум иштирокчиларини ушбу истиқболли имкониятларни бевосита муҳокама қилиш учун 16–18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этишга тақлиф қилди.

Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумидаги иштироки Ўзбекистон ташқи сиёсатда прагматик, мувозанатли ва миллий манфаатларга асосланган йўлни изчил давом эттиратганини яна бир бор намоён этди. Минг йиллар давомида Буюк ипак йўлининг юраги бўлган мамлакатимиз бугун ҳам Шимол ва Жануб, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни боғловчи муҳим кўприк вазифасини бажармоқда.

Халқаро рейтинглардаги ижобий натижалар, хорижий сармоядорлар ишончининг ортishi ва форум минбаридан илгарлари сурилган кенг қамровли ташаббуслар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.



Бахтиёр РУХИТДИНОВ, О‘зЛиДеР Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва партия дастурларини мониторинги департаменти раҳбари

Ўтган кунлар сабоқлари

Ватанимизнинг мустақиллик тўйи нишонланишига ҳам санокли кунлар қолди. Албатта, тарих учун 35 йил жуда катта муддат эмас. Лекин қарийб бир юз ўттиз йиллик мустақил тузумда яшаган жафокаш халқимизнинг асрий орзулари ушланган бу даврнинг ҳар бир йили мазмун-моҳияти билан асрларга тенг бўлди, десак янглишмаймиз.

Тасаввур қилиш қийин: сиёсий хари-таларда Ўзбекистон деб номланган янги давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти олдига тенглар ичра тенг бўлиб, бай-роғи ҳиллирай бошлаган кундан то бугун-ги кунгача ўтган оғир, синовли кунларнинг қадр-қиммати теран англаш учун эса, ал-батта, амалга оширилган ишларга, халқи-миз эришган тарихий натижаларга назар солишимиз керак.

Айниқса, кейинги ўн йиллик оғир, ма-шаққатли давр ичида юртимизда барча соҳа-ларда амалга оширилаётган тарихий ўзгариш ва натижаларни нафақат минтақамиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётгани ўзгача ифтихор бағишлайди ки-шига. Халқимиз мустақиллик, озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш деган тушунчалар-да – инсон қадрини юксалтириш, бой маъна-виятимиз асрлар давомида озиқланиб кел-ган улуг ўтмишимизни, муқаддас динимизни эъзозлаш, дунёни ҳайратга солган буюк ма-даный мерос қолдирган миллат ворислари сифатида янги тараққиёт даврини бошлаш, шунга муносиб тарзда турмуш фаровонли-гини яратиб бериш асл мақсаднинг ифодасини кўра бошлайди.

Ўтмишни билиш бугунимизни тушуниш-га, бугунимизни англаш эса келажакимизни тасаввур қилишга ва шу асосда режалар ту-зишимизга асос бўлади. Шу маънода, мус-тақиллигимизнинг 35 йиллик тўйи олдидан қатор жамоат арбоблари, зиёлилар, ижод-корлар, сиёсатшунослар томонидан эълон қилинаётган адалотли таҳлилий чиқишларни фақат ва фақат қутламоқ керак.

Оддий мисол, улар орасида таниқли сиё-сатшунос, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг матбуотда эълон қилинаётган мақолалари алоҳида ажралиб туради. Жумладан, яқин-дагина қатор матбуот нашрларида эълон қи-лингана ва кенг жамоатчилик томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинган "Миллат шавкати" деб номланган мақола ҳам Қудра-тилла Рафиқовнинг узок йиллардан бери си-ёсатшунос сифатида амалга ошириб келаёт-ган саъй-ҳаракатларининг узвий давомидир.

Ушбу мақоланинг қадр, салмоғи – унинг барча жараёнларда Президентимиз билан ҳамфикр бўлиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисод-ий жараёнларда турли хил вазифаларда ишлаб, кўп йиллик тажрибали раҳбар, де-путат ва сенатор сифатида юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, ижтимоий-сиё-сий, иқтисодий жараёнларда бевоқифа иштирок этган – катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонга тегишли эканидир.

Мақолада бугун ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ҳаётига кириб борган ислохотларнинг дебечаси, аслида ўн

йил олдин эмас, балки анча олдин бошланга-ни, Президентимизнинг Тошкент шаҳар Мир-зо Улуғбек тумани, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги фаолияти мисолида халқчил тилда етказиб берилган.

Мақолада тилга олинган воқеа ва ҳоди-саларни ўқир эканман, беихтиёр Президен-тимизнинг Жиззах вилоятида ҳоким бўлиб ишлаган йилларидаги ёрқин фаолияти кўз ўнгимда жонланади.

Очиғини айтиш керак, одатда юқори лавозимдаги раҳбарнинг халқ меҳрини қо-зонини осон эмас. Чунки одамларни алдаб бўлмайди. Бироқ Шавкат Миромоновичнинг ҳоким сифатида ўша даврдаги мураккаб ша-роитда ва жуда қисқа муддат ичида амалга оширган ишлари тезда кўпчилиكنинг кўз ўнгимда жонланади.

Дарҳақиқат, тан олиш керак-да, оғир йиллар эди ўша кезлар. Аграр соҳагагина таяниб қолган вилоятда ҳосилдорлик ту-шиб кетган, одамлар ҳатто энг зарур кунда-лик маҳсулотларни ҳам "талон" билан ола-ётган, тиббиёт, таълим масканлари йиллаб таъмирланмай қолиб кетаётган, энг муҳими, одамларнинг кайфиятида тушкунлик кўз-га ташлана бошлаган пайтлар эди. Уларга ишонч ҳиссини бахш этиш, вилоятга янги-ликлар шомолини олиб кириш, таъбир жоиз бўлса, одамларни ғафлатдан уйғотиш осон иш эмасди. Ёш ҳоким бу залворли ишларнинг урдасидан чиқди. Ўша кезларда республи-кадан ҳеч қандай ёрдам олмасдан, йўқдан бор қилиб Жиззах аккумулятор заводининг қайта тикланиши, "Хотира" боғининг бунёд этилиши, ўнлаб касалхона ва мактабларнинг таъмирланиши, Жиззах олимпия захиралари коллежининг қад ростлаши ва 2001 йилда илк бор "Барқамол авлод" спорт ўйинларининг Республика финал босқичи Жиззах шаҳри-даги мазкур спорт масканида ўтказилиши, кишлоқ хўжалигида сўнгги ўн йилликларда биринчи марта белгиланган режаларнинг ор-тиги билан бажарилиши халқимизнинг кўн-глини, қаддини кўтариб юборди. Одамларнинг дастурхонига файз-барака кирди.

Биргина Жиззах вилоятидаги ўн йил ол-динги вазият билан бугунги кунни солишти-риш, қиёслаш янгиликлар кўламини тўлиқ тасаввур қилиш, унинг самараларини ан-глашга ёрдам беради. Марказдан олинган ёрдам ҳисобига кун кўрадиган вилоятда, сўнгги пайтларда кўп бора тилга олинаётган янги автомобиль ишлаб чиқариш заводлари, замонавий хорижий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб саноат корхоналари фа-олият юритмоқда.

Натижада вилоят иқтисодиётида туб бу-рилиш ясалди. Саноатнинг ялпи ҳудудий маҳ-сулотдаги улуши икки бараварга (9,1 фоиз-



Эркин ХОЛМАТОВ,
О'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия Жиззах вилоят кенгаши раиси

дан 18,8 фоизга) ошди. Ишсизлик 4,9 фоизга, камбағаллик даражаси эса 5,8 фоизга камай-ган бўлса, экспорт ҳажми 1,8 бараварга ош-ди. Энг муҳими, бу ишлар пухта режа билан узвий давом эттирилмоқда. 2026 йил якунига қадар ишсизликни 3 фоизга, камбағалликни эса 2,8 фоизгача тушириш кўзда тутилган.

Айни пайтда вилоятдаги 304 та маҳалла-нинг имкониятлари таҳлил қилиниб, уларнинг ҳар бири боғдорчилик, қорвачилик, сано-ат, хизмат кўрсатиш ва туризм йўналишлар-ига ихтисослаштирилмоқда. 5 минг гектар эски боғларни янгилашга киришилди. Зо-мин туманида маккажўхорини қайта ишловчи аграр-илмий индустриал парк ташкил этила-ди.

Жорий йил маҳаллаларда йўл, ичимлик суви ва электр тармоқларини яхшилаш учун 30 миллион доллар, кейинги йилда эса яна 10 миллион доллар йўналтирилиши кўзда тутил-ган.

Айдар-Арнасой кўллари тизими ҳамда Бахмал, Фориш, Зомин каби туманларнинг туристик салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида 6 та йирик туристик мажмуа кури-лиши бошлаб юборилди. Арнасой аэропорти кенгайтирилиб, халқаро йўллар бўйида савдо ва сервис мажмуалари барпо этилади.

Шаҳарсозлик масаласини айтмайсизми, юртимиздаги қайси бир масканга борманг, янги-янги корхоналар, ижтимоий соҳа обь-ектлари, аҳоли учун турар жойлар қад кўта-раётганига гувоҳ бўласиз. Шундай кезлар, беихтиёр буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг

"Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг", деган пурмаъно сўзла-ри ёдга тушади. Бунёдкорлик халқимизнинг қонидан бор. Мана неча асрки, ота-боболари-миз томонидан бунёд этилган Бухоро, Хива, Самарқанддаги осмонўпар миноралар, гўзал мейморий ёдгориликлар дунё аҳлини лол қи-либ келмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу туб ислохотлар са-мараси энг чекка ҳудудларга ҳам етиб бор-ди. Йиллар давомида одамларни ташвишга солиб келган ичимлик суви, электр энергия таъминоти, йўл, тиббий хизмат, таълим ва бошқа соҳаларга қаратилган эътибор аҳоли масканлари, жумладан, туман марказлари ва маҳаллалар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу каби улкан бунёдкорлик ишларини соатлаб санайвериш мумкин. Дўппини бош-дан олиб мушоҳада юритиб кўрсак, жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этаётган ва кўлами асрларга татигулик бу бунёдкорлик ишлари, Президентимизнинг ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатидаги салоҳияти, сиёсий иро-даси, ватанпарварлиги ҳамда фидойилиги ва албатта халқимизнинг пешона тери, қалб кўри эвазига қилинган меҳнати билангина тў-лиқ маъно-мазмун касб этади.

Ривожланган давлатлар тарихига назар солинса, уларнинг шу даражада етиб кели-ши осон кечмаган. Бунинг учун йиллар, ҳа-то асрлар керак бўлган. Юртимизда тарихан қисқа муддатда кўлга киритилган ютуқ ва му-

ваффақиятлар шу сабаб ҳам биз учун қадрли ва азиз...

Қудратилла Рафиқов ўз мақоласида ХХ асрда башарият тамаддуни қил устида турган иккинчи жаҳон уруши йилларида Буюк Бри-тания Бош вазири бўлган Уинстон Черчилл-нинг "Биз улкан воқеликлар ва майда одам-лар даврида яшамокдамыз", деган иқтибосни бежиз келтирмаган. Бу ерда Черчилль му-айян миллат ёки ижтимоий қатламни эмас, балки катта тарихий синовлар олдига масъу-лиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлма-ган, давлат ва жамият манфаатларидан кўра шахсий манфаатни устун қўядиган, стратегик фикрлаш ва сиёсий иродадан маҳрум кимса-ларни назарда тутган эди.

Тарих шунки кўрсатадики, ҳал қилувчи даврларда популистик шиорлар билан май-донга чиқадиغان, аммо мамлакат тақдирини учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр бўлмаган кучлар ҳам пайдо бўлади. Мамла-катимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда ҳам бундай ҳолатлар кузатилгани сир эмас.

Афсуски, бугун ҳам хориждаги айрим манбалар кўмагига таяниб, ҳар қандай ўзга-риш ва янгилашни қоралашни ўзига мақ-сад қилиб олган шахслар учраб туради. Энг ачинарлиси, улар танқидни тараққиёт ман-фаатларига хизмат қилдириш ўрнига, баъ-зан Ватан манфаатларига қарши қўйишга уринадилар. Бироқ ҳаётнинг ўзи бундай қар-шарларга жавоб бermoқда.

Президентимизнинг сиёсий иродаси ту-файли ҳаётимиздаги камчиликлар очиқ ойдин айтилиши одамларнинг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатди. Чунки энг юқори минбар-дан туриб, камбағалликнинг, ишсизликнинг мавжудлиги расман тан олингани, уларни бартараф этишга киришилгани, бир пайт-лар яширинча, ярим легал ҳолатда хорижга ишлаш учун чиқиб кетаётган мигрантларни давлат ҳимоясига олиш, тил, касб-ҳунар ўр-гатиш, дунёнинг ривожланган давлатлари – АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатларига уюшган ҳолда ишга юборишнинг йўлга қўйи-лаётгани замирида юксак мақсадлар ётибди.

Бугун барчамизнинг юрагимиздан жой олиб улгурган "Инсон қадрини улуглаш" де-ган тушунча мамлакатда амалга оширилаёт-ган оламшумул ислохотлар моҳиятини теран англашда ўзига хос занжир вазифасини ўтай-ди. Шу боис бу улуг фояни тор ёки бирёқлама талқин қилишга уринишлар ҳаёт ҳақиқатида зид кўринади.

Тўғри, ҳали муаммолар бор. Уларни ҳеч ким инкор этаётгани йўқ. Аксинча, очик тан олиниб, уларни бартараф этиш бўйича ти-зимли чоралар кўриломоқда. Янги Ўзбеки-стоннинг муҳим хусусияти ҳам айнан шунда – муаммони яшириш эмас, уни ҳал этишга ин-тилишдан иборат.

Шу маънода, "Миллат шавкати" мақо-ласи нафақат муайян воқеалар ёки шахсий фазилатлар ҳақидаги мулоҳаза, балки Ян-ги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий ва сиёсий моҳиятини англашга хизмат қилувчи муҳим таҳлилий қарашдир.

САМАРҚАНД яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахтига айланади

Глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш масалалари бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдига турган энг муҳим вазифалардир. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш давлатлар тараққиётининг асосий мезонларидан бирига айланмоқда. Шу маънода, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Глобал экологик жамгарманинг саккизинчи ассамблеяси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим сиёсий ва иқтисодий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатнинг экологик сиёсатдаги янги босқичга қадам кўяётганини намоён этди.

тиқболларга эга. Бугунги кунда кўплаб дав-латлар шаҳарларни экологик барқарорлик тамойиллари асосида қайта шакллантириш-га ҳаракат қилмоқда. Самарқандда жамоат транспортини экологик тоза технологияларга ўтказиш, энергия тежамкор инфратузилма-

Президентимиз илгари сурган яна бир муҳим ташаббус – Улуғбек номидаги Барқарор ривожланиш илмий-тадқиқот институ-тини ташкил этишдир. Бу қарор тарих ва замонавий тараққиётнинг ўзига хос уйғун-лигини намоён этади. Бундан қарийб олти

етиш орқали Самарқанднинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қи-лади.

Самарқандда экологик илм-фан ва ин-новацияларнинг ривожланиши мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига ҳам ижобий

сармояларни жалб қилиш имкониятини кен-гайтиради. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, инновацион бизнесларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Иқлим ўзгариши ва гидрометеороло-гия миллий марказини ташкил этиш ташаб-буси ҳам мамлакатнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Марказ иқлим прогнозлари, гидрометеороло-гик кузатувлар, эрта огоҳлантириш тизимла-ри ва иссиқхона газлари мониторингини яна-на платформага бирлаштириши орқали иқлим хавфларига қарши курашишнинг замонавий механизmlарини шакллантиради. Бу эса ки-шлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, энергетика ва шаҳарсозлик соҳаларида самарали қарорлар қабул қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Самарқандни "Марказий Осиёнинг яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахти" сифатида ривожлантириш ташаббуси на-фақат шаҳар, балки бутун мамлакат тараққи-ёти учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу фоя шаҳарнинг тарихий мероси, илмий анъ-аналари ва замонавий иқтисодий имкони-ятларини бирлаштирган ҳолда минтақанинг экологик, илмий ва инвестицион марказига айлантиришга қаратилган. Агар белгилан-ган мақсадлар изчил амалга оширилса, яқин келажакда Самарқанд нафақат Ўзбекистон-нинг, балки бутун Марказий Осиёнинг барқар-ор ривожланиш бўйича етакчи шахри сифа-тида халқаро майдонда янада юқори мавқега эга бўлиши шубҳасиз.



ларни кенгайтириш, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллашти-риш ҳамда яшил ҳудудлар майдонини оши-риш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар кейинчалик мамлакатнинг бошқа шаҳарлари учун намунавий тажриба вазифасини бажари-ши мумкин. Шу маънода Самарқанд Ўзбе-кистоннинг экологик модернизация жараён-ларида синов майдони ва тажриба марказига айланмоқда.

аср муқаддам Мирзо Улуғбек Самарқандни жаҳон илм-фани марказларидан бирига ай-лантирган бўлса, бугун мазкур шаҳар иқлим ўзгариши, яшил иқтисодиёт ва барқарор ри-вожланиш соҳаларида халқаро илмий марказ момолини кўлга киритиш арафасида турибди. Колумбия университетининг Барқарор ри-вожланиш маркази билан ҳамкорликда таш-кил этилаётган институт халқаро экспертлар, олимлар ва молиявий институтларни жалб

таъсир кўрсатади. Бугун дунёда экологик стандартларга жавоб берадиган лойиҳалар-га қизиқиш ортиб бормоқда. Халқаро молия институтлари ва инвесторлар айнан яшил технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, сув ресурсларини тежаш ва иқ-лим ўзгаришига мослашув соҳаларига кўпроқ сармоя киритмоқда. Самарқанднинг минтақа-вий яшил инвестициялар марказига айланиши мазкур соҳаларга миллиардлаб долларлик

Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари,
Мухсинжон ХОЛМУҲАМЕДОВ,
"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети ректори

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида парламент депутатлари ҳам сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлар чоғида кўтарилаётган муаммоларга имкони борича ўша ҳудуднинг ўзида ечим топишга интилишяпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқўл туманидаги “Олтинқўл” овул фуқаролар йиғинида яшовчилар хузурига борганида улар кўп йиллардан бери ичимлик суви танқислигидан азият чекиб келаётганини айтишган эди.

нидан қилинган муурожаатда қайд этилишича, шу ҳудуддаги 23 та кўчадан 7 тасида ичимлик суви тармоқлари умуман мавжуд эмас, яна 8 та кўчада эса аввалги қувурлар эскириб, тўлиқ яроқсиз ҳолга келган.

Бундан ташқари, мавжуд тармоқларда сув босимининг пастлиги аҳолининг кундалик турмуш тарзига жиддий қийинчиликлар туғдираётгани айтилган эди. Энг ташвишлиси, айрим фуқаролар ичимлик суви етишмаслиги туфайли босма кранлар ва ариқ сувларидан фойдаланишга мажбур бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат эса нафақат ижтимоий, балки санитария ва саломатлик нуқтаи назаридан ҳам жиддий хавф-хатарларни юзага келтирмоқда.

Маълумки, мазкур ҳудудда ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яъни Ўзбекис-

Халмуратовага муурожаат этган Қаратал маҳалласида ҳам 421 та хонадонга янги ичимлик суви тармоқларини тортиш, 224 та хонадонда эса мавжуд тармоқларни тўлиқ реконструкция қилиш режалаштирилган.

Бироқ ўрганишлар жараёнида мазкур ишлар тўлиқ ва сифатли амалга оширилмагани, натижада аҳоли ҳа-нузгача ичимлик суви таъминотида қатор қийинчиликларга дуч келаётгани маълум бўлди. Бу ҳолат амалга оширилаётган ислохотларнинг жойлардаги ижросини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айнан шу нуқтаи назардан депутатлик назоратининг ўрни ва аҳамияти яна бир бор яққол намоён бўлди. Чунки халқ вакилларининг асосий вазифаси фақат қонун ижодкорлиги билан келгани қолмасдан, балки давлат дастурларининг жойлардаги ижроси-



Тиниб-тинчимас вакилимиз аввал кўтарилган муаммони атрофлича ўрганиб, тегишли вазирлик ва идоралар, масъул ташкилотлар билан амалий мулоқотлар олиб борди. Ниҳоят изчил саъй-ҳаракатлар ва ҳамкорликдаги ишлар натижасида парламент хузуридаги Жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида “Олтинқўл” ОФЙга қарашли 25 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бугун аҳоли О'zLiDeP вакиласининг ташаббускорлиги, халқ манфаати йўлидаги фидокорона меҳнати ва масъулиятли ёндашувида мамнун. Зеро, одамлар дардини эшитиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш ва ҳаётини энгиллаштиришдан ортиқ долзарб вазифа борми бу дунёда?

Шунингдек, Қўнғирот туманидаги Қаратал маҳалласи аҳолиси томо-

тон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, икки томон ўртасида 145 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз битими имзоланган бўлиб, у 2019–2026 йилларни камраб оларди. Ушбу лойиҳа доирасида Қўнғирот туманидаги 22 та маҳалла ҳудудида 246,1 километр ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Шу мақсадлар учун 22 миллион АҚШ доллари йўналтирилган. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан

ни доимий равишда ўрганиш, аҳоли муурожаатларини тинглаш ва масъул идоралардан аниқ, асосли жавоб талаб қилишдан иборатдир.

Шу мақсадда депутат Гулжан Халмуратова томонидан “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти раҳбарияти номига расмий депутат сўрови юборилди. Унда Президент қарори ижросининг ҳозирги ҳолати, белгиланган ишлар нима сабабдан тўлиқ амалга оширилмаётгани ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар юзасидан асосланган маълумот тақдим этиш сўралди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ва маҳаллалар иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

билан таъминланган. Хўшчекка маҳалласида яшовчи Мунаввар Утаганова тикувчилик фаолияти орқали тўрт нафар аёлни иш билан таъминлаган бўлса, эгар-

Ишбилармон аёллар улуши ортмоқда

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Буюк замин маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор Зибёда Муродованинг хусусий мактабгача таълим муассасаси бу борада ёрқин мисолдир. У ерда 50 нафардан ортиқ бола тарбияланмоқда, 11 нафар маҳаллий хотин-қиз эса доимий иш билан таъминланган.

Бу каби ташаббуслар нафақат таълим соҳасини ривожлантирмоқда, балки маҳалладаги оилалар даромад манбаини ҳам мустаҳкамламоқда. Биргина тадбиркорлик ташаббуси ортида ўнлаб хонадонлар фаровонлиги таъминланмоқда.

Туманининг Қорақўз маҳалласида Азиза Чориева чорвачилик ва асаларичиликни самарали йўлга қўйган бўлса, Гулистон маҳалласидаги Маъмура Шукурова миллий ширинликлар тайёрлаш орқали аҳоли бандлигига ҳисса қўшмоқда. Ўрикзор маҳалласида Ойбарчин Норбоева томорқачилик, паррандачилик ва деҳқончиликни уйғун ҳолда ривожлантирган.

Шунингдек, Қизилжар маҳалласидаги Мухлиса Раҳимова, Зарафшон маҳалласидаги Малика Қулматова чорвачилик ва иссиқхона фаолияти орқали маҳаллий бозорларни сифатли маҳсулотлар билан таъминламоқда.

Тикувчилик, миллий либослар ишлаб чиқариш, қандолатчилик, нон маҳсулотлари тайёрлаш, гулчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам аёллар маҳаллада тадбиркор аёлларнинг фаолияти ўрганилиб, уларнинг ютуқлари ва муаммолари таҳлил қилинди. Масалан, Боботоғ маҳалласидаги Гўзал Бўриеванинг миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехи бугун кичик корхонага айланган ва 15 нафар хотин-қиз иш



Бўстон маҳалласидаги хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган боғча ҳамда Ойбарак маҳалласидаги соғломлаштириш маркази эса ижтимоий хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўрганишлар давомида тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари, янги режалари ва ташаббуслари таҳлил қилиниб, уларни кенгайтириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Шўрчи туманида ҳам “Маҳалланинг ишбилармон аёли” кўрик-танлови доирасида ўттиздан ортиқ маҳаллада тадбиркор аёлларнинг фаолияти ўрганилиб, уларнинг ютуқлари ва муаммолари таҳлил қилинди. Масалан, Боботоғ маҳалласидаги Гўзал Бўриеванинг миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехи бугун кичик корхонага айланган ва 15 нафар хотин-қиз иш

чилик Мадина Хушбоқова паррандачилик соҳасида самарали фаолият юритмоқда. Алишер Навоий маҳалласида Озода Пардаева миллий попопчилик хунари асраб-авайлаш ва ёш авлодга ўргатиш йўлида 20 нафардан ортиқ шогирд тайёрлаган.

Таҳсиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун маҳаллаларда хотин-қизлар тадбиркорлиги асосан тикувчилик, хўнарамдчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик, иссиқхона ва деҳқончилик каби йўналишларда жадал ривожланмоқда. Бу эса бир томондан аҳоли бандлигини таъминлаш, иккинчи томондан маҳаллий бозорларни маҳсулотлар билан тўлдирishга хизмат қилмоқда.

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Ҳалолликни байроқ деб билганлар

Бугун мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқа ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, экспортбop маҳсулотлар етиштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг амалий самарасини бермоқда. “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ижроси доирасида Қашқадарё вилоятининг Ғузур ва Қамаш туманларида меҳнат қилаётган тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан танишдик, уларни ўйлантираётган айрим муаммоларга биргаликда ечим изладик.



Ғузур туманида оилавий тадбиркор, О'zLiDeP аъзоси Холида Атамуродовани кўпчилик танийди. 2019 йилдан буён томорқасидан унумли фойдаланиб, оила даромадини ошириш билан бир қаторда маҳаллий бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

У тадбиркорлик фаолиятини 38 миллион сўм маблағ билан бошлаган бўлиб, шундан 5 миллион сўми шахсий маблағлари, 33 миллион сўми эса банк кредити ҳисобига тўғри келади. Асосий эътибор балиқчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Мазкур йўналишга сарфланган каттагина маблағ ортидан энди мўмайгина даромад келаяпти.

– Томорқанинг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаямиз, – дейди Холида Атамуродова. – Балиқчилик, сабзавотчилик, кулпнайчилик, лимончилик ва бошқа йўналишларни биргаликда ривожлантиряймиз. Ҳисоб-китобларга кўра, мавсум якунида барча харажатлардан ташқари шундай соф фойда олишни

режалаштирганмики, у маблағга бемалол битта “Дамас” автономили сотиб олиш мумкин. Тўй-томоша, уйлариимиз таъмирига ҳам етади. Энг муҳими, томорқа нафақат оиламиз дастурхонини тўлдиряпти, балки барқарор даромад манбаига ҳам айланди.

Дарҳақиқат, мавсум бошида ҳовузга 50 килограмм толстолоб балиги чавоғи ташланган бўлиб, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида аҳолига 450 килограммдан ортиқ балиқ маҳсулоти сотилибди. Бугунги кунда ҳовузга 850 килограммдан зиёд товарбop балиқ захираси мавжуд. Тадбиркор йил якунига қадар ушбу соҳадан 35 миллион сўм соф фойда олишни мўлжалляпти.

Уч сотих майдонда помидор, бир сотихда бодринг, ярим сотихда картошка етиштирилмоқда. Эътиборли жиҳати, сабзавот кўчатлари тадбиркорнинг ўзи томонидан тайёрланади. Бу эса харажатларни кескин қисқар-

тириш имконини бермоқда. Ҳозирга қадар аҳолига 150 килограммдан зиёд помидор, 50 килограммдан ортиқ бодринг ва 30 килограммдан зиёд картошка сотилган. Айни пайтда томорқада мавжуд ҳосил захираси минг килограммлар билан ўлчанади. Мавсум якунида мазкур маҳсулотлардан қарийб 12 миллион сўмдан зиёд соф даромад олиш кутилмоқда.

Холида опа кулпнай, лимон ва мандаринчиликни ҳам муваффақиятли йўлга қўйган. 2,5 сотих майдонда етиштирилаётган кулпнайдан йил охиригача 12 миллион сўмгача соф фойда олиш режалаштирилган. Лимончиликдан ҳозиргача 6 миллион сўм, мандариндан эса 2 миллион сўм даромад олинган.

Шу билан бирга хонадонда шивит, редиска, саримсоқ ва кўк пиёз каби кўчатлар етиштирилмоқда. Паррандачилик ва кўенчилик ҳам қўшим-

ча даромад келтиряпти. Тovuқ, курка, ғоз ва кўенларни кўпайтириш орқали келгусида 10 миллион сўмга яқин фойда олиш кўзланыпти.

Тадбиркорликнинг яна бир истиқболли йўналиши сифатида биоугумус ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилнинг уч ой давомида 3 тоннадан ортиқ биоугумус сотилиб, 9,5 миллион сўм даромад олинди.

Буни томорқадан оқилона фойдаланиш орқали юқори даромад олиш мумкинлигининг амалий исботи дейиш мумкин.

Қамаш туманида ҳам экспортбop маҳсулотлар етиштириш ва ташқи бозорларга чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Туманининг Чим маҳалласида фаолият юритувчи “BBU Azamat” масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда йирик экспортёр корхоналардан бирига айланган.

2019 йилда ташкил этилган мазкур корхонада 242 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 200 нафари мавсумий ишчилар бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

155 гектар майдонда гулхайри, ширинмия ва малина каби экспортбop маҳсулотлар етиштирилмоқда. Корхона бир йил давомида ўз маблағлари ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлаб, юқори ҳосилдорликка эришмоқда. Айни пайтда йиллик 2,5 миллион АҚШ долларлик экспорт режаси белгиланган бўлиб, бугунга қадар 500 минг долларлик маҳсулот ташқи бозорларга етказиб берилган. Масъуллар экспорт мавсуми энди бошлангани, йил якунига қадар белгиланган кўр-

саткичлар ортиғи билан бажарилишини таъкидлашмоқда.

Шунингдек, Қамаш туманининг Тўқбой маҳалласи ҳудудида фаолият юрсатаётган “Xurshida Nurmatova” мева-сабзавотчилик фермер хўжалиги ҳам юқори натижалари билан ажралаб туради. 51 гектар майдонда картошка, саримсоқғиз ва помидор етиштирилаётган мазкур хўжаликда 155 киши меҳнат қилмоқда. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлиб, ҳар гектардан ўртача 35 тонна картошка, 15 тонна саримсоқғиз ва 80 тонна помидор олинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда яқинда нишонланган Қўрбон ҳайити байрами арафасида О'zLiDeP фаоллари Қамаш тумани Бойбўри маҳалласида яшовчи бир қатор фуқаролар ҳолидан хабар олишиб, улар билан самимий учрашувлар ташкил этилди. Учрашувлар давомида аҳолининг турмуш шароити, муаммолари ва эҳтиёжлари ўрганилиб, байрам кайфияти улашилди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё заминиде меҳнат қилаётган тадбиркорлар ва фермерларнинг саъй-ҳаракатлари нафақат ўз оилалари,



Фермер хўжалиги томонидан маҳсулот етиштириш учун 1 миллиард 250 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, унинг асосий қисми ўз маблағлари ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, рўккола ва айсберг қарами етиштириш орқали экспорт ҳажминини янада ошириш чоралари кўрилмади. Йил якунида барча харажатлардан ташқари 2 миллиард сўм соф даромад олиш хомчўт қилинган.

балки юрт иқтисодиёти, аҳоли бандлиги ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ҳаётнинг ўзи ерга меҳр қўйиб ишлаган инсоннинг дастурхони ҳам, даромади ҳам баракали бўлишини кўрсатмоқда.

Ғайрат ЖОВЛИЕВ, депутат ёрдамчиси

МИШ-МИШ ВА ҲАҚИҚАТ

Қизилқумда ЯНГИ ОРОЛ ПАЙДО БЎЛДИ...МИ?!

Сўнги ҳафталарда Бухоро вилоятининг Пешку тумани ҳудудида пайдо бўлган янги кўл нафақат аҳоли, балки олимлар, экологлар ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлмоқда. Қизилқум саҳроси бағрида қисқа вақт ичида юз квадрат километрдан ортиқ майдонни эгаллаган ушбу сув ҳавзаси атрофида турли тахминлар, саволлар ва баҳслар пайдо бўлди. Хўш, бу кўл қандай шаклланган? Унинг пайдо бўлиши табиий жараёни ёки инсон омили аралашуви ҳосиласи? Бу экологик имкониятни ёки эҳтимолий хавф манбаи?

Шу ва яна бошқа қатор саволларга ойдинлик киритиш мақсадида муҳбиримиз Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг "Гидрологик жараёнларни математик моделлаштириш ва сув ресурслари" лабораторияси мудирини, география фанлари бўйича фалсафа докторини (PhD) Салауат КАЛАБАЕВ билан суҳбатлашди.



– Айтишларича, бу кўл бундан икки йил олдин пайдо бўла бошлаган экан. Нега энди ошкор этиляпти?

– Кўлнинг дастлабки шаклланиш жараёнлари анча олдин бошланган бўлса-да, унинг айнан ҳозир кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари диққат марказига тушишига охириги ойларида сув юзаси майдонининг кескин кенгайгани асосий сабаб бўлди. Биз томонимиздан сунъий йўлдош маълумотлари асосида амалга оширилган масофавий кузатувлар бу ҳолатни аниқ рақамлар билан тасдиқлайди.

Масалан, 2025 йил октябрь ойида кўл майдони 6 минг 30 гектарни ташкил этган бўлса, қиш ва баҳор фаслларидаги сув ташламалари ҳисобига унинг ҳажми жадал суратларда ортган. Хусусан, 2026 йил январь ойида кўл юзаси 8 минг 262 гектарга етган ва март ойига келиб рекорд кўрсаткичи – 10 минг 123 гектарни, яъни 101 квадрат километрдан ортиқ майдонни эгаллади.

Этибор бераясизми: атиги ярим йил ичида кўл қарийб 4 минг гектарга кенгайди. Чўл ўртасида бундай улкан сув ҳавзасининг қисқа муддатда шаклланиши, табиийки, сунъий йўлдош таъсирларини кузатиб борувчи мутахассислар, тадқиқотчилар ва ОАВ вакиллари қизиқишини уйғотди. Жамоатчилик учун эса саҳро бағрида тўсатдан катта кўл пайдо бўлиши гўё мўъжизадек туюлди ва хабар қисқа фурсатда кенг тарқалиб кетди.

– Бундай мисоллар дунёда кўп. Масалан, Покстондаги Аттабад кўли кўчки таъсирида, Тожикстондаги Сарез кўли зилзила оқибатида, Камерун шимоли-ғарбидagi Ньос кўли эса вулқон газлари таъсирида пайдо бўлган. Айниқса, Ньос кўли фожиаси 1 746 нафар инсоннинг умрига зомин бўлган. Айтинг-чи, бу кўл кўпроқ геологик сигналми ёки экологик муаммо?

– Сиз тилга олган кўллар маълум даражада хавф манбаи ҳисобланади. Лекин Бухородаги Янги кўл улардан кескин фарқ қилади. Уз соҳадан келиб чиқиб айтилган бўлсам, "антропоген-экологик сигнал" деб атаган бўлардим. Чунки бу ерда ҳеч қандай тектоник ёки геологик фавқулодда ҳодиса юз бермаган. Кўлнинг пайдо бўлиши инсон фаолияти, аниқроғи, сув ҳўжалиги тизими билан бевосита боғлиқ. Суғорилмаган ерлардан чиқадиган коллектор-дренаж сувларининг чўлдаги табиий пастиликларга йўналтирилиши натижасида бу сув ҳавзаси шаклланган.

Шу маънода, мазкур кўлни икки хил нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Агар у илмий асосда бошқарилса ва экологик назорат остида сақланса, муайян даражада экологик томондан фойда келтириши мумкин. Акс ҳолда, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, атроф ҳудудларда ерларнинг шўрланиши, тупроқ сифатининг ёмонлашуви ва бошқа экологик муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

– Нима деб изоҳлайсиз, кўлнинг пайдо бўлишида кўшни давлатлардаги

Роғун ГЭСи ёки Қўштепа каналининг ҳиссаси йўқмикан?

– Қизилқумда бундай кўлнинг пайдо бўлиши тўсатдан юз берган воқеа эмас ва буни мутлақо табиий жараён деб ҳам бўлмайди. Чўл ҳудудларида рельефнинг табиий пастиликлари – ботиқлар мавжуд бўлади. Агар ана шу жойларга яқин атрофдаги йирик коллекторлар орқали узоқ вақт давомида катта ҳажмда сув ташланса, сув тўпланиб, кўл ҳосил қилади.

Бухоро вилоятидаги Ширбулоқ ботиғида ҳам айнан шундай жараён кузатилган. Коллектор-дренаж сувларининг мунтазам равишда ушбу ҳудудга йўналтирилиши натижасида янги ташлама кўл шаклланган. Аслида Ўзбекистон учун бу мутлақо янги ҳолат эмас. Мамлакатимизда бундай ташлама кўллар етарлича учрайди. Улар орасидаги энг йириги – Айдар-Арнасой кўллари тизими ҳам ўз вақтида шу каби жараёнлар таъсирида вужудга келган.

Ушбу ҳолатда сиз тахмин қилаётган Роғун ГЭСининг ҳам, Афғонистонда қурилаётган Қўштепа каналининг ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Географик ва гидрографик жиҳатдан бу объектлар мутлақо бошқа ҳудудлар ҳамда сув ҳавзаларига тегишли.

– Шунда бу кўл "тирик"ми? Демокриманки, одамлар бу ерда чўмилиши ёки сувидан ичиши мумкинми?

– Илмий нуқтаи назардан қараганда, бу кўлни "тирик" деб аташ мумкин. Чунки унда аллақачон микроорганизмлар, сув ўтлари ва чўл шариоитига мослашган айрим биологик турлар шакллана бошлаган. Вақт ўтиши билан бу ерда ўзига хос экотизим пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ бу сувни ичиш мутлақо тавсия этилмайди. Сабаби, кўл асосан қишлоқ хўжалиги ерларидан чиққан сувлар ҳисобидан тўлган. Бундай сувларда минераллашув даражаси юқори бўлади, яъни сув анча шўр. Шунингдек, унинг таркибида минерал ўғитлар, турли агрохимёвий воситалар ва пестицидлар қолдиқлари бўлиши эҳтимоли ҳам катта.

Чўмилиш масаласига келсак, сувнинг кимёвий ва бактериологик таркиби тўлиқ лаборатория таҳлилларидан ўтказилиб, мутахассислар ҳулосаси берилмагунча, аҳолига тавсия этиб бўлмайди. Ҳар қандай янги сув ҳавзасида бўлгани каби бу ҳудудда ҳам хавфсизлик ва санитария талаблари биринчи ўринда туриши лозим.

– Ижтимоий тармоқларда кўрдик, айрим фуқароларнинг бу кўлга балиқ ташлаётгани ўзига хос челленгга айланмоқда. Кўл атрофи қай даражада хавфсиз? Ернинг кутулмаганда чўкиб кетиши ёки қумли ботқоққа айланиш эҳтимоли йўқми?

– Юртдошларимизнинг бу йирик ҳавзага балиқ ташлаётгани, албатта, яхши ният қилинаётган хайрли иш. Лекин бу масалага ҳиссиёт эмас, илмий ёндашув билан қараш лозим. Аввало, сувнинг шўрли даражаси, кимёвий таркиби, кислород миқдори ва биологик хусу-

сиятлари чуқур ўрганилмасдан туриб ташланган балиқлар ашаб кета олмадлиги, ҳатто қисқа вақт ичида нобуд бўлиши мумкин.

Шунингдек, кўл тубининг рельефи ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Айрим жойларда чуқурлик кескин ўзгариши, юмшоқ лойқа қатламлари ёки ботқоқсимон ҳудудлар бўлиши хавфи бор. Шу сабабли ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеолар таъсирида кўл бўйида бораётган сайёҳлар ва қизиқувчиларга жуда эҳтиёткор бўлишларини эслатмоқчиман. Мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик, хусусан, O'zLiDeP каби нуфузли сиёсий кучнинг депутат ва фаоллари жонбозлик кўрсатиши, хавфли ҳудудларга масъуллар билан келишган ҳолда огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– Баъзилар кутилмаган бу янгиликни эшитиб, видеоларда кўриб, Хўдога оҳимиз этиб бордимикан ё, қурган Оролимиз қайтиб келди-ёв, деган самимий фикрларни ҳам билдиришмоқда. Бу қанчалик асосли?

– Бу каби қарашлар илмий асосга эга эмас. Орол денгизининг қуриши минтақадаги энг катта экологик фожиалардан бири бўлиб, унинг тақдирини Амударё ва Сирдарё сув ресурслари билан бевосита боғлиқ. Бухоро чўлида пайдо бўлган, майдони тахминан 106 квадрат километрни ташкил этувчи маҳаллий ташлама кўл Орол денгизининг ўрнини босиши ҳам, унинг тикланишига таъсир кўрсатиши ҳам мумкин эмас.

Бу ҳодиса, аслида, Бухоро вилояти ички гидрографик тизимида юз берган маҳаллий ўзгариш ҳисобланади. Шунинг учун уни Оролнинг қайта тикланиши билан боғлаш нотўғри!

– Маълумки, айрим кўллар вақт ўтиши билан рангини ўзгартиради, баъзиларида эса ҳатто ёниш ҳолатлари ҳам кузатилган. Бу ҳудудда шунга ўхшаш ғайриоддий ҳолатлар қайд этилмаганми?

– Ҳозирча бундай ҳодисалар кузатилгани ҳақида ишончли фактлар мавжуд эмас. Бироқ табиат қонунларига кўра, келажакда сув сатҳи пасайиб, ҳарорат юқори бўлиб турса, сувда айрим турдаги шўрсевар микроорганизмлар ва сув ўтлари кўпайиши натижасида кўл суви пушти, қизғиш ёки қизил тусга кириши мумкин.

Ёниш хусусиятига келсак, баъзи сув ҳавзаларида органик моддаларнинг парчаланиши натижасида метан гази ҳосил бўлади. Агар бундай газ катта миқдорда тўпланиб, юзага чиқса, маълум шароитларда ёниш эҳтимоли ҳам юзага келиши бор гап. Аммо мазкур кўл ҳали жуда ёш экотизим ҳисобланади ва бундай ҳолатнинг кузатилиши эҳтимоли ҳозирча жуда паст.

– Сизнингча, бу кўл қанча вақт сақланиб қолиши мумкин?

– Бу йирик сув ҳавзасининг умри, энг аввало, унга келиб қуйилаётган сув ҳажми ва иклим шароитига боғлиқ. Агар коллектор-дренаж сувларининг оқими тўхтатилса ёки бошқа йўналишга бурилса, куч-

ли буғланиш таъсирида кўл 3–5 йил ичида қуриб, унинг ўрни шўрхок майдонга айланиши мумкин.

Аксинча, сув мунтазам келиб турса ва маълум гидрологик мувозанат сақланса, кўл узоқ йиллар давомида мавжуд бўлиб туриши ҳам мумкин. Бу эса келажакда унинг қандай бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади.

– Олайлик, бу кўлнинг ичимлик суви, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, туризм ёки экологик барқарорлик нуқтаи назаридан аҳамияти қандай бўлади, деб ўйлайсиз?

– Агар жараён илмий асосда бошқарилса, ушбу кўл муайян ижобий самаралар бериши мумкин. Аввало, чўл ҳудудидида намлик миқдори бироз ортади ва маҳаллий микроклимат маълум даражада юмшади. Бу эса атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, кўл кўчиб юрувчи қушлар учун вақтинчалик тўхтаб ўтиш, дам олиш ва озикланиш маскани вази-фасини бажариши ҳам мумкин. Ёки бўлмаса сувнинг таркиби мунтазам назорат қилиниб, шу ерга мос балиқ турлари илмий тавсиялар асосида танланса, келажакда балиқчиликни ривожлантириш имконияти ҳам пайдо бўлади. Шу билан бирга, чўл туризми, экотуризм ва қушлар миграцияси каби йўналишлар учун ҳам янги имкониятлар очилар балки.

Бироқ бир жиҳатни унутмаслик керак: сувнинг шўрлиги юқори бўлган тақдирда, уни қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис мазкур кўлдан иқтисодий фойда олиш масаласида ҳам илмий таҳлил ва эҳтиёткорлик биринчи ўринда туриши лозим.

Бир сўз билан айтганда, Бухорода пайдо бўлган янги кўл табиатнинг қизиқарли ҳодисаларидан бири ҳисобланади. Бироқ уни ортиқча романтизация қилиш ёки илмий асосга эга бўлмаган ҳулосалар чиқаришдан қўра, мутахассислар ҳулосасига таяниб иш тутиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ушбу сув ҳавзасининг ҳақиқий имкониятлари ва эҳтимолий хавфлари тўлиқ намоён бўлади.

– Сўнги савол: бу кўл Қоразалпоғистон ва Хўрақал ҳудудларидан тарқалаётган туз ва қум буронларининг салбий таъсирини камайтира оладими?

– Йўқ, афсуски, бу кўл бундай йирик экологик муаммони бартараф эта олмайди. Чунки Орол денгизининг қуриган туби – Оролқумдан кўтариладиган туз ва чанг буронлари минглаб километр масофага тарқалади. Бухоро вилоятининг Пешку туманида пайдо бўлган янги кўл эса географик жиҳатдан мазкур ҳаво оқимлари ҳаракатланадиган асосий йўналишлардан анча чеккада жойлашган. Шунингдек, унинг майдони ҳам бундай табиий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатиш учун етарли даражада катта эмас.

Зеро, бугун пайдо бўлган ҳар бир янги табиий сув ҳавзаси нафақат илмий тадқиқот объекти, балки келажак авлодлар учун сақлаб қолиниши лозим бўлган экологик бойлик эканини ҳам унутмаслик лозим.

"XXI asr" муҳбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ ёзиб олди.

● ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР ● Депутатлар дуо олишяпти

O'zLiDeP Жиззах шаҳар бўлими ҳамда шаҳар кенгаши депутати Воситбек Исаков ва партия фаоли Элмурод Аҳадов ташаббуси билан шаҳардаги Обод, Дўстлик ҳамда Шароф Рашидов туманидаги Бобур, Оқтош ота маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 30 нафар фарзанди учун Тошкент шаҳрига бепул саёҳат ташкил этилди. Болажон-

маҳалла фуқаролар йиғинининг Янги давр кўчасида ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаштириш ишлари амалга оширилди.

Мазкур кўча аҳолиси узоқ йиллар давомида йўл ҳолатидан норози бўлиб келар эди. Киш фаслида лой, ёз кунларида эса чанг-тўзонга айлана кетадиган йўл нафақат ҳаракатланишда қийинчилик туғдирар, балки аҳоли учун бир қатор ноқулайликлар-



лар пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари, тарихий ва маданий объектлари билан танишиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлдилар. "Халқ билан бирга" дастури доирасида Халқ депутатлари Зарбдор туман кенгаши депутати Тўлқин Қодиров ташаббуси билан "Оқбулоқ"

ни ҳам келтириб чиқарди. Шу боис фуқаролар ушбу муаммони ҳал этиш бўйича ўз вақилига мурожаат қилган эдилар. Ниҳоят маҳалла аҳли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароити яратилди, ҳудуднинг ободлиги ва кўрки янада ошди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

Маърифатга элтувчи акция

Наманган давлат техника университетидида O'zLiDePдан депутат ёрдамчиси Диёрбек Соаталиев ташаббуси билан ўтказилган "Бир кунда минг китоб" акцияси профессор-ўқитувчи-

шув давомида муаллиф китобнинг яратилиш тарихи, уни ёзиш жараёнида изланишлар ва асарда жамланган маълумотларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритди. Шунингдек,



лар, талаба-ёшлар ва китобсевар кенг жамоатчиликни бир майдонга жамлади.

Тадбир доирасида таниқли журналист ва публицист Лаазиз Раҳматов иштирокида унинг "Дунё мамлакатлари" номли китоби тақдими ҳамда очиқ мулоқот ташкил қилинди. Учра-

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Хўжақишлоқда энди чироқ ўчмайди

Тойлоқ туманидаги Хўжақишлоқ маҳалласи аҳолиси томонидан электр таъминотини яхшилаш масаласида билдирилган мурожаатлар Халқ депутатлари Тойлоқ тумани кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, туман кенгаши депутати Насиба Мўминова томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Ушбу муаммо депутатлик назоратига олиниб, тегишли

янги трансформатор олиб келиниб, ўрнатилди. Ушбу трансформатор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман кенгаши сессияси қарори асосида ажратилган маблағлар ҳисобидан харид қилинган таъкидланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур хайрли ишлар маҳалла аҳ-



доимий комиссия муҳокамасига киритилди ҳамда туман кенгаши сессияси кун тартибидида кўриб чиқилди. Ўрганишлар натижасида аҳолини узоқ вақтдан буён қийнаб келаяётган мазкур масала юзасидан аниқ ва амалий қарор қабул қилинди. Унга кўра, маҳаллага зарур электр ускуналари етказиб бериш ва инфратузилмани яхшилаш чоралари белгиланди.

Депутат ташаббуси билан сайлов округи ҳудудидидаги Хўжақишлоқ маҳалласига қуввати 100 кВт бўлган

ли ва фаолларини ҳам руҳлантирди. Уларнинг ташаббуси билан кўшимча тарзда қуввати 160 кВА бўлган яна бир янги трансформатор олиб келиниб, электр тармоғини янада мустаҳкамлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу жараёнларда маҳалла раиси Феруз Раҳмонқулловнинг фаол иштироки ва ташаббускорлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси Севара Убайдуллаева падали бузуқуввори Абдулла Убайдуллаевнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ МАРЯМ АЯ БИЛАН СУҲБАТ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ “МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ, САЊЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ИЖОДҚОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА КЎРА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЧИНАКАМ ФИДОЙИСИ, ХАЛҚИМИЗ АРДОҒИДАГИ АДИБ ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ СЕРҚИРРА ИЖОДИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАМ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЮКСАК ҚАДРЛАНИБ, “БҮЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ.

АТОҚЛИ ИЖОДҚОРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ, ИЖОДХОНАСИ ВА БИЗ БИЛМАГАН ИНСОННИ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, АЛБАТТА, БУ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛДА УНГА ЭНГ ЯҚИН ДАРДКАШ ВА СУЯНЧ БЎЛГАН ИНСОН – УМР ЙЎЛДОШИ МАРЯМ АЯ ЁҚУБОВНИНГ ХОТИРАЛАРИ ОЛТИНГА ТЕНГ. АНА ШУЛАР ҲАҚДА СУҲБАТЛАШИШ ВА АДИБНИНГ ОИЛАСИНИ ТАБРИКЛАШ УЧУН ХОНАДОНЛАРИГА КИРИБ БОРАР ЭКАНМАН, ГУЛДАСТАЛАРГА ТЎЛИБ КЕТГАН ЁРУҒ ВА ШИНАМГИНА ХОНАДА ЮЗЛАРИДАН НУР ВА ЗИЁ ЁГИЛИБ ТУРГАН ОНАХОН КУЛИБГИНА ҚАРШИ ОЛДИ.

– Марямхон ая, авваломбор, устоз Одил Ёқубовнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани учун сизни ҳам чин юракдан табриклайман. Хушхабарни эшитганингизда кўнглингиздан нималар кечди?

– Аввало, Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин, халқимиз, Президентимизга мингдан минг раҳматлар айтаман. Бу янгиликни эшитганимда, кўзларим ёшга тўлди. Уша лаҳзаларда Одил аканинг қоғозлар устига мук тушиб, туну кун чеккан заҳматлари кино лентасидай кўз олдимдан ўтди. Бутун оиламиз, фарзандларим, ҳаммамиз чексиз кувондик. Хабарни эшитган кечаси, ишонасизми, хурсандчиликдан, хотираларим тирилганидан уйқум келмади, асарларини, бир-биримиздан узоқда бўлган пайтларимизда ёзган соғинч мактубларимизни, қўлёзмаларини бир-бир варақладим, кўзларимга суртдим. Суратларимизни алламаҳалгача битталаб кўриб чиқибман. Шундоқ ҳам шу пайтгача у кишини соғиниб эсламаган бирор куним бўлмаган, ана (адибнинг айвон тўрида илинган, кулиб тушган суратларини кўрсатади), улар билан хаёлан гаплашаман, бирга ўтган ажиб дамларни эслайман, шундай бағрикенг ва ҳалол инсонни тақдиримга битиб, гўзал бахтимизни ато қилгани учун Худойимга шукроналар айтиб хотирлайман ҳар кун.

Одил ака ҳеч қачон шон-шухрат учун ёки осон йўللари танлаб ижод қилмаган. У кишининг бутун ҳаёти ва ижоди марказида фақат битта нарса – ҳақиқат ва адолат турган. “Улуғбек хазиnasi”, “Кўхна дунё”, “Диёнат”, “Адолат манзили” каби асарларини ёзиш жараёнида қанчалик ёниб яшаганларини, халқнинг дардини юракларидан қандай ўтказганларига ўзим гувоҳман.

Уйлайманки, бу юксак орден – Одил Ёқубовнинг миллатимиз тарихий хотирасини уйғотишдаги жасоратини, инсонлар қалбида ҳалоллик ва диёнат туйғуларини тарбиялашга қўшган беқиёс ҳиссаси учун берилган энг олий ва ҳаққоний баҳодир.

– Одил ака билан илк бор кўришганингиз, у кишининг сизда қолдирган биринчи таассуротлари қандай бўлган? Тақдирингиз бу улуг инсон билан боғлиганини, келгусида катта адибнинг суянциги бўлишингизни ўшанда ҳис қилганмисиз?

– Мен Одил аканинг “Тенгдошлар” қиссасини “Тонг юлдузи” (аввалиги “Ленин учкуни”) газетасида ўқиганман, 1951 йили ёз давомидаги қатор сонларида босилган эди. Ундаги қизиқарли воқеалар, қаҳрамонларнинг тақдирини мени ўзига шу қадар маҳкам боғлаб олганидан нашрнинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутардим.

1952 йил ёзги таътилда онам билан қўшни Қозоғистон Республикасига қарашли Қарноқ қишлоғига қариндошларимизни кўргани бордик. Ўзимиз Тошкент шаҳрида истиқомат қилсак ҳам, ота-бобларимиз юрти – Туркистон сафари биз учун жуда катта кувонч туғдирар, бундай борди-келдилар қалбимизда унутилмас эсдаликлар қолдирарди. Борган кунимок китобга ошнолигимни яши билган амаккимнинг қизи – дугонам Каромат сўраб қолди:

– “Тенгдошлар”ни ўқиганмисан, зўр асар-а?

– Ҳа, менга ҳам ёқди.

– Уни ёзган ёзувчи ўзимизнинг қарноқлик – Одил ака Ёқубов. Мен унинг жияни билан ўқийман...

Дугонанинг сўзидан кейин сеvimли асаримнинг муаллифи билан ич-ичимдан танишиш истаги туғилди.

У даврларда аёллар бозор ва дўконларга чиқа-

вермас, бу юмушлар бизга ўхшаган дастёрларга буюриларди. Биз бозорга чиқиб, рўзғорга керакли бўлган қанд-қурсми, игна-ипми, совун-повун дегандай, кундалик эҳтиёжга зарур нарсаларни олиб келардик. Қишлоқ магазинида Тошкентда қисқа муддатда сотилиб кетадиган, кам топиладиган кийиму қимматбаҳо матолар кўп бўларди. Камсуқум, содда қишлоқ аҳолиси бундай башанг кийимларга кўпам эҳтиёж сезавермасди. Каромат билан магазинга кирганимизда кийим бўлмасида қорачадан келган, ўрта бўйли йигит турарди.

– Мана шу киши-да “Тенгдошлар”ни ёзган, – пичирлади Каромат. – Аслида, у киши бухгалтер, бу ерда сотувчи опаси Заҳрога ёрдам бериш учун келади. Илгакда турган чиройли пальто эйтиборимни тортди. “Сотувчи”дан пальтони олиб беришини сўрадим. У менга жилмайиб қаради-да, жуда секинлик билан кийимни олиб, узатди. Нигоҳидан юзим ловуллаб кетди.

– Тезроқ бўла қолинг! – дедим ҳаяжонимни жаҳл билан босишга уришиб.

Йигит эса жилмайди. Ростини, анчадан буюн худди шу бичимдаги уст бош излаб юргандим. Тезда кийиб, каттагина кўзуга қарадим. Кўзугдан “сотувчи” термилиб турарди:

– Жуда ярашди, худди сиз учун тикилгандай! Жуда очилиб кетдингиз. Аслида... билмадим... сиз пальтони очиб юбордингиз шекилли... Худди ўн беш кунлик ойдек...

– Вой, Мар-ям, Одил ака сенинг ўн бешга тўлганингни биларкан, – яна қиқирлаб пичирлади Каромат.

Дугонанинг соддалигидан кулдим-да, пальтони ечим, ўраб бериш учун узатдим. Уша вақтда ростдан ҳам эндигина ўн бешдан ўтиб, ўн олтига кетаётган эдим. Пулни узатдим. Одил ака пулни жуда секин, эҳтиётлаб, қайта-қайта санагандан сўнг пальтони ҳафсала билан тахлаб, худди почтадан юбориладиган жўнатманинг қоидасига амал қилгандай, теп-текис қилиб ўраб кўлимга тутқазди...

Кейинчалик бу воқеани кулиб эслардим. “Пулни қайта-қайта санаш, пальтони шовилмасдан ҳафсала билан ўраш, буларнинг ҳаммаси сен ёнимдан кетиб қолмаслигинг учун қилгандим”, деганди Одил ака. “Пальто савдоси” илк учрашувимиз, кўзларимиз билан дийдорлашувимизга бир баҳона бўлганди. Шу-шу Одил ака билан учрашувимиз ҳақида сўрашса: “Пальто баҳонасида бу сотувчининг бир умрлик харидорига айланиб қолдим”, дердим ҳазиллашиб. Одил ака эса: “Бу қиз дўконимиздан молимизга қўшиб менинг кўнглим оромимни ҳам олиб кетган. Шўрлик ёзувчига сал бўлсам раҳм қилмаган!” дердилар.

– Ҳар қандай мустаҳкам оиланинг пойдевори маълум бир синовлар устига қурилади, дейишди. Одил ака билан турмуш қуриш арафасидаги воқеалар, оилавий келиб чиқишингиздаги тафовутлар, эшингиздаги катта фарқ ва атрофдагиларнинг турли гап-сўзларига қарамай, айнан Одил Ёқубовнинг ёри бўлишга қатъий аҳд қилишингизга нима сабаб бўлган?

– Кўнглимиз бир-бирига пайванд бўлиб, менам розилик олганларидан кейин Одил ака яқин қариндоши, университет домласи, обрўли бир кишини уйимизга совчиликка юборди. Аслида биз бир-бирига тескари қарашдаги оила фарзандлари эдик. Чунки менинг боболарим диний уламолар саналишар, Одил аканинг оталари эса партия тизимида, юқори лавозимда фаолият юритган экан. Одил ака ўн ёшга кирганида отаси “Халқ душмани” сифати-



да қамалиб кетган ва ортга қайтмаган экан. Кичик фарзанди тўрт ёшида вафот этган, қайнонам Гулшан ая тўрт фарзанди билан ёлғиз қолган. Жуда оғир ва машаққатли ҳаёт кечиришган. Шунинг учун ҳам Одил ака икки опасидан кейинги биринчи ўғил бўлиб, бутун оила юқини жуда эрта зиммасига олган. Жуда ориятли йигит бўлган. Одамларнинг таъна-дашномларидан орланиб, ўсмирлик пайти “Халқ душманининг боласи”, деган тамгани кўтара олмани учун урушга кетиб, отасининг муборак номи оқлаш ниятида бўлган. Ёш бўлса-да, ўзини катта кўрсатиб, урушга кетган экан. Ўзлари айтиб берган, нозик ва нимжон бўлгани учун елкасидаги қурол ерга тегиб юрар экан... Олти йил деганда қишлоғига қайтиб келган. Кейинчалик замонлар ўзгариб, қай-нотамнинг номи оқлангач, бошларини баланд кўтариб юрган.

Энди ўйланг, у маҳалда шундай оилаларнинг қуд-анда бўлишлари дарғумон эди. Айниқсан, бобом: “Этакни кессанг энг бўлмас, аввалги душман эл бўлмас”, деб туриб олганлар. Кўнглим нотинч, бир сўз-ли бобомнинг совчиларга айтган қатъий қарорию бувижонимнинг бу қарорга сўзсиз итоат этишларидан кўрқардим. Ундан ташқари, Одил ака ҳақиқатан ҳам менам 11 ёш катта эди. Ҳадеб атрофимдагилар мени айнишмоқчи бўлишди: “Битта китоби чиқиб, ёзувчи бўлиб қолдимми? Сен шу пуч обрўга учаяпсанми? Ахир, ҳали жуда ёшсан, тенгинг топилар?” “Нега шошасан? Ўқишни тугат, сендай қизга ҳали жуда кўп совчи чиқади”. “Китоб ёзиб рўзғор қилиб бўларканми? Сен унинг ширин сўзларига учма! Эртага уйсиз-жойсиз, ижара уйда умринг ўтиб кетади”...

Мен эса ўз аҳдимдан қолмадим, чунки ўша ўз тенгини топганларнинг бахтини кўрмаганман. Отам ҳам ана шундай “тенги”ни қидириб кетгани оқибатида биз онам билан бувим ва бобомнинг уйига қайтиб келишга мажбур бўлганмиз. Одил ака эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тортгани сабабли жуда мулоҳазали, ҳар бир гапни ўйлаб, менинг кўнглимга оғир ботмасдан гапирар, гўёки гулдек кафтларида асраб-авайларди. Уларнинг ёнларида ўзимни баланд, ишончли кўрғонда юргандек эркин ва бахтли сезардим.

Оналар Одил акани тезроқ уйлантиришга шошилар, боиси ўша даврда у киши ўттизни қоралаб қолган, мен бўлсам ҳали университетнинг биринчи

курсиди ўқиётган эдим. Ниҳоят катталар бизларга оқ фотиҳа беришга мажбур бўлишди. Қарноқда бўлди тўйимиз. Чевар бувижоним менга атаб оппоқ, атиргули ўзидан чиқарилган матодан келин кўйлак тикиб қўйган экан. Сал кенгу, лекин жуда ярашди. Бошимга бувижонимнинг оқ ёғим рўмолини ташлаган эдим, ойдек келин бўлдим-қолдим. Одил ака бисотидаги биттаю битта оқ кўйлагини кийган, жўралари орасида қимтинибгина турганлари ҳали-ҳали эсимда. Уруш йиллари қайнонам бош-қош бўлиб қўни-қўшни аёллар ёрдамида қурган икки хонали, бир айвонли уйда 1955 йилнинг июнь оқшомида бир чиройли, бир серзавқ, севги-муҳаббатга тўла тўйимиз бўлганди. Бир ойдан сўнг Тошкентга қайтдик, икки хонали ижара уйнинг бир хонасига биз – ёш келин-куёв, иккинчисига онамиз, укалари ва жиянлар жойлашишди. Одил ака университетнинг охириги курсида ўқиш билан бирга Ёзувчилар уюшмасида ишларди. Катта оиланинг олаҳуржуни ёлғиз Одил аканинг елкасида эди.

1955 йил охирида ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида “Чин муҳаббат” деган илк драматаси саҳна юзини кўрди. Асар узоқ вақт саҳнадан тушмади ва оиламизни моддий жиҳатдан тиклаб олишимизга туртки бўлди. “Ўзимнинг кутли, баракали Марямим, сен ҳаётимга кириб келишинг билан ижодимга ҳам, топиш-тутишимга ҳам баракани кирди”, дерди Одил ака.

“Мар, жоним, бир оз сабр қилгин, ҳадемай ўзимизнинг уйимиз бўлади, кейин оёғимизни узатиб ётамиз”, дерди. Мен эса кулиб: “Нима, ҳозир оёғингизни узатолмаяпсизми?” десам, у киши: “Менинг-ку аҳволим ўзимга аён, сенинг олдингидан хижолатдаман-да”, дерди.

Хуллас, бир йилдан сўнг омонат ижара уйнинг барча ташвишларидан қутулишга муяссар бўлдик. Бу хабарни келтирган кундаги ҳолатлари ҳамон кўз олдимдан кетмайди. “Мар, хоним, суюнчи!”, – дедилар эшиқдан кирар-қирмас. – Энди бизнинг ўз уйимиз – ўлан тўшагимиз бор. Майли, бир оз тор-ку, лекин ўзимизники-да!”

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

Давоми келгуси сонда

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД


Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 645
Алади: 5 881
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ